



ANALYSIS OF THEFT-RELATED CRIMES AND THEIR EARLY PREVENTION IN THE FIELD OF CRIME PREVENTION AND CRIME CONTROL

Sarbon Uralov

Associate Professor, PhD

Tashkent State University of Law

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: s.uralov@tsul.uz

ABOUT ARTICLE

Key words: theft, minors, convicts, prevention, migration, crime preparation, motive and purpose, criminogenic situation.

Received: 04.02.25

Accepted: 06.02.25

Published: 08.02.25

Abstract: this article reflects the criminological legal description of the crime of theft, the scientific-theoretical views on the new methods of committing this crime, and their early prevention. At the end of the article, suggestions and recommendations on several ways to fight against this crime have been developed.

ЎҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ЎҒРИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ

Сарбон Уралов

Доцент в.б., PhD

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: s.uralov@tsul.uz

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ўғрилик, вояга етмаганлар, судланганлар, профилактика, миграция, жиноятга тайёргарлик кўриш, мотив ва мақсад, кримоген вазият.

Аннотация: мазкур мақолада ўғрилик жиноятининг криминологик ҳуқуқий тавсифи акс эттирилган бўлиб, ҳозирда мазкур жиноятнинг янгича усуллари орқали содир этилиши, уларни барвақт олдини олишга доир илмий-назарий қарашлар акс эттирилган. Мақола сўнггида мазкур жиноятга қарши курашишнинг бир неча усулларига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

АНАЛИЗ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ХИЩЕНИЯМИ, И ИХ РАННЕЕ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ В СФЕРЕ ПРОФИЛАКТИКИ И БОРЬБЫ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ

Сарбон Уралов

Доцент, PhD

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

E-mail: s.uralov@tsul.uz

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: кража, несовершеннолетние, осужденные, профилактика, миграция, приготовление к преступлению, мотив и цель, криминогенная ситуация.</p>	<p>Аннотация: В статье отражена криминологическая и правовая характеристика преступления кражи, а также отражены научно-теоретические взгляды на современное использование новых способов совершения этого преступления и их раннюю профилактику. В конце статьи разработан ряд предложений и рекомендаций по борьбе с этим преступлением.</p>
--	---

КИРИШ

Ўғрилиқ жинояти, талон-тарож қилиш жиноятининг шаклларида бири сифатида, унинг бошқа турларидан жиноий қилмишни содир этиш усули билан фарқ қилади. Ўғрилиқни талон-тарож қилишнинг бошқа шаклларида ажратиб турган хусусиятлари ҳам шундан иборат.

Жойларга чиқилиган ҳолда ўрганилган мавжуд аҳвол шуни кўрсатадики, талон-тарож қилишнинг барча шакллари ичида ўғрилиқ жинояти содир этилиш усули жихатидан хавфли деб топилиши мумкин:

унда жисмоний ва руҳий тасир этиш қўлланилмайди, айбдор уни содир этишда ўзидаги ваколатлардан ва мол мулкни эгаллашда алдашдан фойдаланилмайди[1].

Айбдор ҳуқуққа хилоф ва яширин равишда яъни бошқа шахслардан яширин ҳолда мулкдорнинг хоҳиш-иродасига қарши ўзганинг мулкни ўзлаштиради ва уни ўзининг мулки сифатида тасарруф эта бошлайди. Бирок, ўғрилиқ, статистика кўрсатишича, ўзганинг мулкни талон-тарож қилишининг энг кенг тарқалган усулидир ва бу унинг ижтимоий хавфлилигини оширади.

ТАДҚИҚОТНИНГ УСУЛЛАРИ

Тадқиқотни амалга оширишда тарихий, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, таҳлилий, мантиқий, социологик сўров ўтказиш, статистик маълумотлар таҳлили, қонунни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

НАТИЖАЛАР

Содир этилган ўғрилик жиноятлари ўрганилиши давомида асосий сабаблар ва омиллар сифатида қуйидагилар маълум бўлди:

– профилактика инспектори ўзига бириктирилган ҳудудни ва ҳудудда истиқомат қилувчилар билан яқин алоқада эмас, яъни аҳолининг кенг қатлами профилактика инспекторини танимаслиги натижасида жиноят йўлига тобора шунғиб бормоқда;

– профилактика инспекторига ортиқча маъмурий буйруқбозлик асосида қўшимча юкламалар (топшириқлар) берилиши оқибатида ҳудуддаги аҳволни назорат қилиш имконини чекламоқда;

– бозор ҳудудларида савдо расталарининг тартибсиз жойлашуви ҳамда йўлакларда сотув расталарининг ноқонуний ўрнатилиши натижасида аҳол тор йўлаклар орқали ҳаракатланганда киссавурлик жиноятларини содир этишга шароит яратиб бермоқда;

– бозор ҳудудларининг аксариятида автотураргоҳлар мавжуд эмаслиги оқибатида автотранспорт воситалари қаровсиз ҳолатда олис масофаларда, йўл ёқаларида қолдирилиши мол-мулкка тажовуз қилинишига имкон бермоқда.

Мазкур ўғриликларнинг сабаби сифатида фуқароларнинг ўз мулкани қаровсиз қолдириши, тунда одамларнинг бемақсад юришлари ва улар устидан етарлича профилактик назорат ишлари олиб борилмаётганлигини айтиш мумкин[2].

Тошкент вилоятининг деярли барча туманларида асосан мол ўғирлаш билан боғлиқ жиноят содир этилганлигини кўришимиз мумкин. Бундай кўринишдаги жиноятга сабаб сифатида молнинг қаровсиз қолдирилиши, ўзга шахсларга тегишли дала майдонларида молларни овқатлантиришни айтиш мумкин.

Ўрганиш ишлари давомида маълум бўлдики, ўғрилик жиноятлари асосан тушлик пайти соат 12.00-15.00да ҳамда кечки пайт соат 23.00-2.00лар оралиғида содир этилган.

Бунда ҳудудлардаги кўча ва жамоат жойларидаги кузатув камералари ўрнатилмаганлиги, ўрнатилган камераларнинг носозлиги, ягона базага интеграция қилинмаганлиги, тунда бемақсад юривчилар сонининг ортиши, тунги вақтларда гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракатланиш ҳам ўғрилик жиноятларининг содир этилишига шарт-шароит туғдирмоқда[3].

Бундан ташқари йўлларнинг ёритилмаслиги ўғрилик, талончилик каби мулкка қарши қаратилган жиноятлар содир этилишига шароит туғдирмоқда.

Вояга етмаганлар орасида ўғрилик жиноятининг содир этилишига сабаблар ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди:

бирор нарсага эга бўлиш хоҳиш-истакнинг кучлилиги;

боланинг ўз яқинларига совға қилиш истаги сабабли ўғрилик қилиши;

бошқаларни ўзига жалб қилиш мақсадида ўғрилик қилиши;
кимнидир жазолаш ёки ўч олиш мақсадида нарсасини ўзлаштириши;
айрим ота-оналарнинг бундай ишларга ўз фарзандарини ундаши;
мактабларда дарс машғулотлари тугагач, бемақсад юришлари сабаб бўлмоқда.

МУҲОКАМА

Бундан ташқари, ҳозирги кунда банк пластик карталари билан боғлиқ мурожаатлар сони кескин ошиб бораётганлиги сабабли кибержиноят қурбонига айланган шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида қонуний ҳал қилиниши кўп вақтни талаб қилмоқда. Фуқаролар банкларга мурожаат қилганда умумий асосларга кўра эмас, балки алоҳида айнан мана шундай ҳолатлар кузатилганда фуқаролар учун банклар ҳузурида ягона алоқа марказини ташкил этган ҳолда маълумотларни аниқлаш марказини ташкил этиш лозим[4]. “Кибержиноят” тушунчаси кенг тарқалган бўлиб, фуқароларнинг банк-пластик карталаридан пул маблағларини фирибгарлик йўли билан ечиб олинаётганлиги, ёки банк мижозларининг хабари ҳам бўлмаган тарзда пул маблағларини ечиб олиниши, фуқароларнинг рухсатсиз улар номларига кредитлар расмийлаштириб олинаётганлиги ва асосан хорижий мамлакатларга турли иловалар орқали пул айирбошланиб чиқариб юборилаётганлиги каби ҳолатлар учрамоқда.

Бу каби жиноятлари бўйича тижорат банкларини масъулиятни ошириш, ушбу банк-пластик карталаридан бирон-бир тижорат банкининг иловалари орқали фойдаланиш бўйича (AGROMOBILE, XALQ MOBILE, CLICK, PAYME каби) фаоллаштирилган қурилмалар (телефон аппаратлари) сонини қатъий қилиб 1 тага чеклаш, ушбу қурилмалардан банк-пластик карталари уланган сим-карта ажратилганда ёки бошқа қурилма орқали кириш, улаб олиш ёки фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда фуқаронинг банк-пластик картасини блоклаш тизимини жорий қилишни тақозо этмоқда.

Ўғрилик жиноятларининг олдини олишда миллий ва хорижий тажрибага асосан қўйидаги усуллар тавсия этилади:

маҳаллабай ишлаш тизими доирасида аҳолининг ишсиз қатламини хусусий секторда фаолият кўрсатувчи тадбиркорларга иш ўрганиш учун бириктириш;

хизмат кўрсатувчи банк, мижоз аризасига асосан пластик карточка расмийлаштириш жараёнида мижознинг шахсий маълумотларини киритгач, мижозга пластик карточкаси ўтказмаларни амалга ошириш учун бериладиган 4 талик паролга қўшимча пластик карточкасидан “онлайн” фойдаланишга алоҳида мукамал махфий код (8 та рақамдан иборат) берилиши лозим[5]. Бунда фуқаро пластик карточкадан “онлайн” операсияларни (тўлов ва ўтказмаларни) амалга оширган тақдирда СМС коддан ташқари қўшимча шахсий махфий код орқали тўлов ва ўтказмаларни тасдиқлайди. Агар шахсий кодни унитган ёки

Ўзгартирмакчи бўлаган тақдирда банк “мобил иловаси” орқали “face ID”ни текширган ҳолда олиш имкониятини яратилади;

ички ишлар бошқармасига қарашли “Мамурий қамок”қа олинганларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхонасида таълим дастури асосида ҳуқуқий таълим берилишини йўлга қўйиш;

ички ишлар органларида ишлаб, нафақага чиққан ходимлар имконият ва тажрибаларидан тўғри ва унумли фойдаланиш мақсадида уларни жамоатчилик асосида “маслаҳатчи мураббий” лавозимини жорий этиш ҳамда моддий рағбатлантириш чораларини кўриш;

ички ишлар органларига қабул қилинадиган номзодлар “Фидокор ёшлар” гуруҳига аъзо бўлиб, камида 100 соат ишламаган бўлса, бундай шахсларни ИИОларига умуман қабул қилмаслик, худди шундай Миллий Гвардияга қабул қилмаслик чораларини қатъий белгилаб қўйиш;

ўз ихтиёри билан профилактика инспекторларига жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида ёрдам бериш истагида бўлган фуқаролар (ёшидан қатъий назар) ҳисобидан штатсиз профилактика инспекторларини ташкил қилиш;

шаҳар-туман марказларидаги кўчаларида, майдонларда, истироҳат боғларида, хиёбонларда бозорларда шунингдек, оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда, техник қўриқлаш маркази таъсир доирасига кирмайдиган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўриқлаш-патруль хизматини ташкил этиш;

кунбай ишларни тартибга солиш ҳамда профилактик назорат олиб борилишини таъминлаш мақсадида электрон платформа яратиш;

кечки вақт ва тун давомида муаммоли ҳудудларни жамоатчилик ёрдамидан фойдаланган ҳолда мунтазам ва тизимли аниқлаб бориш тартибини маҳаллабай асосида ташкил қилиш;

ўғирланган мулкларни сотиш каналларини аниқлаш, уларни доимий текшириш ва йўқ қилиш чораларини кўриш;

аҳоли ва ёшлар ўртасида ўғирликнинг зарари ҳақида тарғибот ишларини ташкил қилиш.

ХУЛОСА

Маҳаллабай, хонадонбай, фуқаробай асосида жиноят қурбони ёки жиноятчи бўлиш хавфи юқори бўлган (виктим) заиф гуруҳларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг янгича ишлаш тизимини йўлга қўйиш лозим.

Маълумот учун: бунга ёшлар, қашшоқлик ёки ишсизликдан азият чекаётган, руҳий саломатлик муаммоси ёки гиёҳвандликка чалинганлар билан ишлаш киради (ўзрилиқ жиноятида аксарият жабрланувчилар).

ИИО ҳамда МГ органлари билан ҳамкорликда ишлаётган шахс жиноят оламига қайта олмайди, ташқи омиллар жиноятга ундай олмаслигини айтиш мумкин. Жамоатчилик билан алоқаларни маҳалла еттилиги билан янада мустақамлаш лозим. Жамоатчилик назорат масканларини маҳалла худудидаги кириш-чиқиш йўлагига 7/24 ишлаш режимида ўрнатиш керак.

Маълумот учун: мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган маҳкумлардан ушбу жамоатчилик назорат масканларида фаолият юритиши йўлга қўйилса мақсадга эришилади.

Ҳар бир маҳалла ўзининг аҳолиси учун ҳуқуқий ижтимоий тармоқларда блог юритилишини таъминлаши лозим. Бундай маҳалла еттилиги бир хил даражада масъулият билан ишлаши керак бўлади.

Маълумот учун: телеграм, инстаграм, фейсбук ва б. тармоқларда маҳалланинг номи остида ташкил этилган ҳуқуқий блог юритилиб, маҳалла худудида содир этилган жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақида ахборот бериб борилади (Япония тажрибаси).

Ижтимоий ҳимоя пакетларини тақдим этилишини соддалаштириш-онлайн платформа (ҳукумат портали) орқали олиш, шунингдек жазони ўтаб чиққан шахсларнинг бундай имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқлари борлигини ўз вақтида тушунтиришга доир СМС-хабарнома хизматини ишга тушуриш лозим. Ушбу соддалаштирилган тартиб биринчидан, ҳукумат портали орқали амалга оширилганда аризанинг ҳолатини онлайн назорат қилиб бориш имконини беради;

иккинчидан мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларига қатъий амал қилиш амалиётини шакллантиради;

учинчидан ҳокимиятлар ҳузуридаги масъул комиссия ижтимоий ҳимоя пакетларини тақдим этиш масаласини онлайн тарзда ўрганади ҳамда уни тақдим этиш-этмаслик масаласини кўриб чиқиш имконини беради.

Маълумот учун: ўтказилган суҳбат натижаларига кўра, ижтимоий ҳимоя пакетларини олиш ҳуқуқига эга фуқароларнинг аксарияти бундай имкониятлар мавжудлигидан беҳабар.

Шаҳар-туман ХПБ аппарати ходимларини профилактика (катта) инспекторлари ҳисобидан бўлса ҳам имкон қадар кўпайтириш лозим. Бунда аҳоли сонидан келиб чиқиб, штатлар ажратилишини ҳамда тақсимланишини тўғри йўлга қўйиш талаб этилади.

Маълумот учун: ҳар бир маҳаллада 1 штат бирликда профилактик назоратни амалга оширувчи ходим фаолият юритмоқда.

Ишсизликни қисқартириш борасида туман (шаҳар) бандлик бўлимлари тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш йўлини йўлга қўйиши лозим. Бунда тадбиркорнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб бандлик бўлимлари HR-RECRUITMENT (ишчилар захирасини тадбиркорлар манфаати учун шакллантириш) вазифасини бажариши лозим.

Маълумот учун: бандлик бўлимлари томонидан тадбиркорлик субъектлари билан HR-Recruitment ҳамкорлик меморандумлари имзоланмаган, бироқ бундай HR-Recruitment вазифаларини бошқа бир тадбиркорлик субъектлари (хусусий фирмалар) амалга оширмоқда.

Янги курилаётган турар-жой мажмуаларини куриб топширилишида СОС-ташвиш тугмасини ҳамда хавфсизлик камераларини (интергацция қилинган бўлиши шарт) мажбурий ўрнатиш амалиётини жорий қилиш лозим.

Маълумот учун: ҳозирги кунда бу каби амалиёт мавжуд эмас, бироқ ушбу тартибнинг жорий этилиши жиноятчиликнинг кескин камаяшига сабаб бўлади (Жанубий Корея тажрибаси).

Шуни эсда тутиш керакки, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарали методологияси маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда комплекс ёндашувни ҳамда мослашиш ва доимий такомиллаштиришга тайёрликни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Уралов, С. (2024). Некоторые вопросы реализации института преюдиции в уголовно-процессуальном законодательстве Республики Узбекистан. *Общество и инновации*, 5(2/S), 62–65. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss2/S-pp62-65>
2. Uralov, S. (2022). Specific aspects of proof. *TSUL Legal Report International electronic scientific journal*, 3(1), 96-102.
3. Sardorovich, U. S. (2022). INFO ABSTRACT. *TSUL LEGAL REPORT*, 96.
4. Ширяев А.С. Криминологическое понятие современных краж // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. – 2018. – №10. – С. 190-193. (190)
5. М.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. - Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. - 455 б